УДК: 616-00-02:340.6

БОЛАЛАРГА КЎРСАТИЛГАН ПЕДИАТРИК ТИББИЙ ЁРДАМ НУҚСОНЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Мухсинова Махзуна Холмурадовна – т.ф.н, доцент
Тошкент Давлат Стоматология Институти (Тошкент, Ўзбекистон)
Джалилова Гузал Руслановна – мустақил изланувчи
Фарғона Жамоат Саломатлиги Тиббиёт Институти (Фарғона, Ўзбекистон)
Рўзиев Шерзод Ибадуллаевич – т.ф.д, профессор
Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институти (Тошкент, Ўзбекистон)

Аннотация. *Юртимизда сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар фуқароларнинг бевосита малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашдан иборат бўлиб, айниқса гўдаклар соғлиғини сақлаш давлатнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Тиббий хизматни такомиллаштириш турли чора-тадбирлар комплексини тақозо қилади. Айни пайтда тиббий ёрдам кўрсатишдаги камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш ушбу фаолият сифатини яхшилашнинг энг оддий, қулай, самарали усули эканлигини таъкидлаш лозим.*

Калит сўзлар*: педиатрия, тиббий ёрдам нуқсонлари, комиссион суд -тиббий экспертиза.*

ОЦЕНКА ДЕФЕКТОВ ДЕТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ ДЕТЯМ

Мухсинова Махзуна Холмурадовна – к.м.н., доцент
Ташкентский Государственный Стоматологический Институт (Ташкент, Узбекистан)
Джалилова Гузал Руслановна – свободный соискатель
Ферганский Медицинский Институт Общественного Здравоохранения (Фергана, Узбекистан)
Рузиев Шерзод Ибадуллаевич – д.м.н., профессор
Ташкентский Педиатрический Медицинский Институт (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация*. Изменения, реализуемые в системе здравоохранения нашей страны в последние годы, направлены на обеспечение права граждан на непосредственное пользование квалифицированными медицинскими услугами, особенно забота о здоровье детей грудного возраста является приоритетной задачей государства. Улучшение медицинского обслуживания требует комплекса различных мер. На данный момент следует отметить, что выявление недостатков в оказании медицинской помощи и их устранение является наиболее простым, удобным и эффективным способом повышения качества этой деятельности.*

Ключевые слова*: педиатрия, дефекты медицинской помощи, комиссия судебно-медицинской экспертизы.*

Долзарблиги: Дунёнинг ривожланган ва ривожланмаган давлатларида болаларнинг соғлиғини сақлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, ўсиб келаётган авлоднинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида тиббий ёрдамнинг қулайлиги ва сифатини яхшилаш соғлиқни сақлаш тизимининг асосий вазифасидир.

Болалар соғлиғини сақлаш бугунги кунда энг юқори вазифалардан бири ҳисобланиб, ўсиб келаётган авлод соғлиғини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун тиббий ёрдамнинг қулайлиги ва сифатини яхшилаш соғлиқни сақлаш тизимининг асосий мақсади эканлиги амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

ЖССТ мезонларига кўра сифатли тиббий ёрдам амалдаги тиббий технологиялар стандартларига мос келиши ва беморнинг эҳтиёжини қониқтириши лозим. Бинобарин, соғлиқни сақлашда стандартизация тизимининг шаклланиши даволаш, диагностика жараёнларини тартибга солишда, тиббий муассасалар фаолиятини назорат қилишда ўта муҳимдир.

Турли таъсиротларга, ташқи муҳит шароитининг ўзгаришларига сезгирлиги сабабли, бир ёшгача бўлган болаларнинг саломатлик ҳолатини ўрганиш, жисмоний ривожланишини яхшилаш, касалланиш ва ўлим даражасини пасайтириш масалалари долзарб ҳисобланади. Бинобарин, айни шу даврда жисмоний ривожланишнинг юқори суръатлари билан бир қаторда касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари нисбатан катта бўлади.

Тиббий ёрдам сифати тушунчаси ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятининг якуний натижалари тизимига кириб, қатор объектив ва субъектив мезонлар бўйича белгиланади. Бунда тиббий ёрдамнинг мутаносиблиги, самарадорлиги ва фан-техника ютуқларига мослиги назарда тутилади.

Тадқиқот мақсади: болаларда педиатрик тиббий ёрдам нуқсонларини комиссиявий суд-тиббий баҳолаш янада такомиллаштириш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Бухоро вилоят филиаллида 2021-2023 йиллар давомида 21 та болаларга педиатрик тиббий ёрдам нуқсонларини баҳолаш мақсадида ўтазилган комиссион суд тиббий экспертиза хулоласаларининг клиник, анамнестик, мантиқий, дидактик ва статистик таҳлиллари амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари: Тадқиқотлар Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро вилоят филилалида 2021-2023 йилларда гўдакларга (0-13 ёш) тиббий ёрдам кўрсатилиши юзасидан ўтказилган комиссион суд-тиббий экспертиза хулосалари материаллари тадқиқот объекти сифатида хизмат қилди. Уларнинг 13 нафарини ўғил болалар, 8 нафарини эса қиз болалар ташкил этди (1-расм).

Тадқиқотда олинган маълумотларнинг таҳлили клиник, анамнестик, таққослаш, диалектик, мантиқий ва статистик усулларни қўллаган ҳолда амалга оширилди. Олинган маълумотларнинг статистик ишлови Pentium-IV персонал компьютерида Microsoft Office Excel-2007 дастурий тўплами ёрдамида ўтказилди. Вариацион параметрик ва нопараметрик усулларида белгининг ўртача арифметик кўрсаткичи (M), ўртача кўрсаткичнинг стандарт хатоси (m) ҳамда нисбий кўрсаткичлар ҳисобланди. Ўртача кўрсаткичларни таққослашда олинган маълумотларнинг статистик ишончлилиги Стьюдент мезони ёрдамида (t) хатолик эҳтимоли (P) тақсимот нормаллигини текширган ҳолда (эксцесс мезони бўйича) ҳисобланди. P<0,05 бўлганда кўрсаткичлар статистик ишончли даража сифатида олинди. Статистик ишловда олинган маълумотлар жадвал, график, диаграммалар кўринишида акс эттирилди.



1-расм. *Жинсга боғлиқ тасимланиши*

Ушбу ҳолатларда тиббий ёрдам объекти бўлган бемор болалар жинс кўрсаткичи бўйича ўғил болалар – 61,9%ни, қиз болалар – 38,1%ни ташкил этган. Беморларнинг ёш гуруҳлари тақсимотида П.П.Ваганов ва ҳаммуаллифларнинг (2018, 186б.) тавсиялари инобатга олинди (1-жадвал).

Қуйида келтирилган жадвалдан маълумки, жами ҳолатларнинг учдан икки қисмига яқини 0-1 ёшгача бўлган болалар ҳиссасига тўғри келган. Мактаб ёшидаги болаларда нисбатан камроқ улушни ташкил этган.

№	Ёши	Абс	%
1	0-40 кун	5	23,8
2	1 ёшгача	6	28,6
3	1-6 ёш	3	14,3
4	7-10 ёш	3	14,3
5	10-13 ёш	4	19,0
Жами		21	100,0

Тадқиқот жараёнида ҳар бир ҳолатда экспертизага тақдим этилган барча материаллар синчиклаб ўрганилди. Хусусан, суд экспертизаси тайинлаш бўйича асосда (қарор, ажримда) келтирилган ҳодиса тафсилотлари, тиббий ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар (касалликнинг кечиши ҳамда тиббий кузатувнинг динамикаси, ўтказилган клиник-лаборатор, инструмен-

тал текширувлар, турли соҳа мутахассислари консультацияларининг натижалари) таҳлил қилинди. Болаларнинг ўлими кузатилган ҳолатларда мурданинг патолого-анатомик текшируви баённомаси ёки суд-тиббий экспертиза хулосаси бўйича макроскопик, микроскопик ҳамда бошқа лаборатория текширувлар натижалари, мазкур воқеа юзасидан ўтказилган клиник-анатомик конференциялар, турли хизмат текширувларига эътибор қаратилди. Шунингдек, тақдим этилган иш материаллари бўйича гувоҳлар ва бошқа шахсларнинг сўроқ баённомалари, тушунтириш хатларига ҳам диққат қаратилди. Жавобгарликка тортилаётган тиббий ходимга берилган тавсифнома асосида унинг ихтисос бўйича тайёргарлик даражаси, иш стажи, малака тоифаси ўрганилди.

Таҳлил қилинган ҳамма КСТЭлар амалдаги қонун, йўриқнома ва тегишли қоидаларга асосан мос ҳолда ўтказилган Хусусан, барча экспертизаларда кўриб чиқилаётган соҳа бўйича малакали клиницист-мутахассислар эксперт комиссиясининг аъзоси сифатида қитнашган. Айни пайтда жавобгарликка тортилаётган тиббиёт ходимлари ҳақида (тавсифнома), ушбу ҳодиса юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари бўйича маълумотлар келтириш лозимлигига оид қоидаларнинг талаблари ҳамма ҳолатларда ҳам бажарилмаган. КСТЭ материаллари бўйича тиббиёт ходими тавсифномаси фақат 57,1% да, мазкур ҳодиса юзасидан экспертизача ўтказилган хизмат текширувлари оид маълумотлар эса 29,9% ҳолатда тақдим этилган.

Тадқиқотда ўтказилган КСТЭ материаллари бўйича болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича 21 ҳолатда жами 29 нуқсон аниқланди. Бинобарин, 16 ҳолатда тиббий ходимлар фаолиятида икки, баъзан эса ундан ортиқ ТЁНлар қайд этилган. Барча аниқланган нуқсонлар уларнинг моҳияти, мутахассислар ва муассасалар, вужудга келиш сабаблари ҳамда якуний оқибатга таъсир даражаси нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Болаларга тиббий ёрдам кўрсатишда камчиликлар кўпроқ педиатрлар, умумий амалиёт шифокорлари ва неонатологлар томонидан йўл қўйилган.

Айни пайтда таъкидлаш лозимки, баъзи мутахассисликларнинг камчиликлари кўпроқ каттароқ мактаб ёшигача бўлган болалар билан боғлиқ бўлган.

Хулоса: Болаларга кўрсатилган тиббий ёрдам юзасидан КСТЭ олдига қўйиладиган саволларнинг тўлақонлиги ҳамда ҳолат тафсилотига мутаносиблигини, шунингдек экспертлар комиссиясига тақдим этиладиган материалларнинг тўлиқ бўлишини таъминлаш мақсадида преэкспертиза даврида экспертиза тайинлаётган шахс томонидан суд тиббиёти соҳасидаги мутахассиснинг маслаҳатини олишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Альшевский, В.В. Судебно-медицинская экспертиза вреда здоровью в современном уголовном судопроизводстве (процессуальные аспекты, методические принципы и формально-логические алгоритмы) / В.В.Альшевский. - М.: Юрлитинформ, 2004. - 176 с.

2. Баринова, И.В. Особенности морфологической и пространственной структуры плаценты при антенатальной гипоксии плода / И.В. Баринова, С.В. Савельев, Ю.Б. Котов // Российский медико-биологический вестник имени академика И.П. Павлова. – 2015. - № 1. – С. 29-33.

3. Волобуев, Н.Н. Ятрогенные повреждения кровеносных сосудов в абдоминальной хирургии / Н.Н. Волобуев [и др.] // Украинский журнал хирургии. - 2011. - №4. - С.249-251.

4. Ибрагимов А.Ю., Асадов Д.А., Менликулов П.Р. – Основные направления реформирования здравоохранения в Республике Узбекистан. – Проблемы социальной гигиены, здравоохранения и истории медицины, 2012, № 4, с.56-57.

5. Исаченкова И.П., Савченко С.В. Случай материнской смерти при истинном приращении плаценты // Вестник судебной медицины. – 2016. – Т. 5, № 3. – С. 58–60.

6. Кедров В.С. О терминологии профессиональных правонарушений медицинских работников // Перспективы развития и совершенствования судебно-медицинской науки и практики: материалы VI Всероссийского съезда судебных медиков (посвященные 30-летию Всероссийского общества судебных медиков). - М.; Тюмень, 2005. - С. 126-127.

7. Лузанова И.М. Ненадлежащее оказание помощи в акушерской практике (медико-правовые аспекты проблемы): автореф. на соиск. канд. мед.наук. — Москва, 2007. – С.10.

8. Рыков В.А. Медицинская и правовая оценка ятрогенных заболеваний // Медицинское право. - 2003. - № 4. - С. 4147.

9. Сергеев ЮД., Ерофеев С.В. Ятрогенная патология - актуальная судебно-медицинская проблема // Судебно-медицинская экспертиза. - 1998. - № 6. - С. 3-8.

10. Шадымов А.Б., Колесников А.О., Лютикова Н.И. Особенности проведения комиссионных судебно-медицинских экспертиз по “врачебным делам” акушерско-гинекологического профиля // Вестник судебной медицины. – 2012. – Т. 1, № 4. – С. 11–15. 10.

11. Baek, G.H., Chung, M.S. Methicillin-resistant staphylococcus aureus osteomyelitis of the scaphoid from a catheter in the radial artery //J. Bone Joint Surg. – 2002. – Vol. 84-B, N 2. – P.273 – 274.

12. Mukhsinova M. Kh., Khodjimetov Kh.A., Ilkhomova Kh.A., Abduvokhidov JZ Clinical and diagnostic features of Marfan syndrome in children. Uz-

bek medical journal. Vol. 3. 2022. P. 22-26.

13. Мухсинова М.Х. Малые аномалии сердца у детей (обзор литературы). / Мухсинова М.Х., Хужаева Ф. С., Абдувохидов Ж.З. // Re-health journal. -2021. - №2(10). С. 173-181.

14. Recommendations on ethical issues in obstetrics and gynecology by the FIGO committee for the ethical aspects of human reproduction and women's health. FIGO. 2003.

15. Quinlan D.J., Alikhan R., Gishen P. et al. Variations in lower limb venous anatomy: implications for US diagnosis of deep vein thrombosis //Radiology. - 2003. - №228 (2). - P. 443-448.

16. Wikstrom, A.K. The risk of maternal ischaemic heart disease after gestational hypertensive disease / A.K. Wikstrom, B. Haglund, M. Olovsson, S.N. Lindeberg//BJOG. 2005. -Vol. 112, N11.-P. 1486-1491.

17. Zetterstrum, K. Being born small for gestational age increases the risk of severe pre-eclampsia I K. Zetterstrum, S. Lindeberg, B. Haglund et al/ // BJOG: Int. J. Obstet. and Gynaecol. 2007. - Vol. 114, N 3. - P. 319-324.

18. Diagnosis of placental abruption: relationship between clinical and histopathological findings / Elsasser D.A. et al. // Eur. J. Obstet. Gynecol. Reprod. Biol. – 2010. – Vol. 148(2). – P. 125–30. – doi: 10.1016/j.ejogrb.2009.10.005.

ASSESSMENT OF DEFECTS IN CHILDREN'S MEDICAL CARE FOR CHILDREN

Mukhsinova Makhzuna Kholmuradovna – C.M.Sc., associate professor
Tashkent State Dental Institute (Tashkent, Uzbekistan)
Jalilova Guzal Ruslanovna – independent applicant
Fergana Medical Institute of Public Health (Fergana, Uzbekistan)
Ruziev Sherzod Ibadullaevich – D.M.Sc., professor
Tashkent Pediatric Medical Institute (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract*. The changes being implemented in the healthcare system of our country in recent years are aimed at ensuring the right of citizens to directly use qualified medical services, especially caring for the health of infants is a priority task of the state. Improving health care requires a combination of measures. At this point, it should be noted that identifying deficiencies in the provision of medical care and eliminating them is the simplest, most convenient and effective way to improve the quality of this activity.*

Key words*: pediatrics, defects in medical care, forensic medical examination commission.*